

4. Hwang C.L., Yoon K. (1981). *Multiple Attribute Decision Making: Methods and Applications*. – New York: Springer-Verlag.
5. Teece D.J., Pisano G., Shuen A. *Dynamic Capabilities and Strategic Management*. // *Strategic Management Journal*. 1997. №7. Vol. 18. P. 509-533.
6. Walter E. Little. *Textile Economies: Power and Value from the Local to the Transnational (Society for Economic Anthropology Monograph Series Book 29)*. Kindle Edition. 2011. – 343 p.
7. Subramanian Senthilkannan Muthu. *Circular Economy in Textiles and Apparel: Processing, Manufacturing and Design (The Textile Institute Book) 1st Edition, Kindle Edition*. 2018. – 226 p.
8. Subramanian Senthilkannan Muthu. *Sustainable Approaches in Textiles and Fashion: Circular Economy and Microplastic Pollution (Sustainable Textiles: Production, Processing, Manufacturing & Chemistry) Kindle Edition*. 2022. – 360 p.
9. Irene Pasqualotto. *Sustainable Business Perspectives: Circular Economy&Textile Recycling: Textile Recycling and related market opportunities Paperback – March 2, 2017*. – 220 p.
10. Xudaynazarova D.X. *Digital transformation status analysis of textile industry enterprises in the country*. *Journal of Management Value & Ethics*, April-June. 23, Vol. 13, No. 02, SJIF 8.001 & GIF 0.626, ISSN-2249-9512.
11. Xudaynazarova D.X. *Assessment of the dynamic capabilities of osborn textile and alchemy textile llc*. *Journal of Management Value & Ethics*, April-June. 23, Vol. 13, No. 02, SJIF 8.001 & GIF 0.626, ISSN-2249-9512.
12. "Osborn Textile" va "Alkim Tekstil" MЧЖларнинг статистик маълумотлари.
13. Iminova N.A., Khudaynazarova D.Kh. *Priority Directions of Economic Risk Management in the Sphere of Communication and Informatization in the Process of Formation of Information Society in Uzbekistan*. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*. ISSN: 2278-3075, Volume-8, Issue-7S, May 2019, p.197-206.
14. Khudaynazarova D. *Increase efficiency of economic risks of textile industry enterprises based on the mechanism of incremental innovative activity*. *Proceedings of the I International Scientific and Practical Conference, 20-21 June 2023*, ISBN 978-91-65423-21-3 DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.8083727>



ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ХАЛҚАРО САВДО ВА САВДО СИЁСАТИ НАЗАРИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Абдиева Дилнавоз Акромовна -
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва
молия вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва
тадбиркорлик олий мактаби таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a42

Аннотация. Мақолада тўқимачилик саноати корхоналарида бозор ўзгаришларига мосланувчанликни таъминлаш мақсадида унинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини излаб топилганда халқаро савдо ва савдо сиёсати назариялари моҳияти ўрганилган.

Таянч сўзлар: халқаро савдо, савдо сиёсати, экспорт, тўқимачилик саноати.

РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛИ И ТОРГОВО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ТЕОРИЙ В ИЗУЧЕНИИ ЭКСПОРТА ТЕКСТИЛЬНЫХ ИЗДЕЛИЙ

Абдиева Дилнавоз Акромовна -
Докторант Высшей школы бизнеса и предпринимательства при
Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан

Аннотация. В статье рассматривается значение теории международной торговли и торговой политики для обеспечения адаптивности к рыночным изменениям предприятий текстильной отрасли в поисках возможностей повышения их экспортного потенциала.

Ключевые слова: международная торговля, торговая политика, экспорт, текстильная промышленность.

THE ROLE OF INTERNATIONAL TRADE AND TRADE POLICY THEORIES IN STUDYING THE EXPORT OF TEXTILE PRODUCTS

Abdieva Dilnavoz Akromovna -
Doctoral student of the Higher School of Business
and Entrepreneurship under the Ministry of
Economy and Finance of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The article examines the essence of international trade and trade policy theories in order to ensure adaptability to market changes in textile industry enterprises in search of opportunities to increase their export potential.

Key words: international trade, trade policy, export, textile industry.

Кириш. Замонавий ҳўжалик юритиш шароитида атроф-муҳит экстремал ноаниқлик ва кескин рақобат жиҳатлари ролини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида муваафқиқатли уни маҳаллий ва хориж бозорларида сотиш билан тавсифланадики, бу жараёнда саноат корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда экспорт салоҳиятини шакллантириш, ундан фойдаланиш ва уни ривожлантиришни татқиқ этиш методологиясини ишлаб чиқиш масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир. Республикамиз экспорт салоҳиятини оширишда тўқимачилик тармоғи муҳим ўрин тутди. Ҳозирда ушбу тармоқнинг аксарият корхоналари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг асосий қисмини хорижга экспорт қилмоқда. Бинобарин, тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш» вазифаси белгиланган бўлиб, *мазкур вазифани муваффақиятли бажарилиши республикамиз тўқимачилик саноати экспорт фаолиятида фойдаланилмаётган ички имкониятларни излаб топишда уни шакллантириш омилларини таснифлаш масаласини тадқиқ этишни тақозо этади* [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. «Экспорт салоҳияти» таърифининг иқтисодий моҳияти корхона фаолият доирасига боғлиқ эмас. Бироқ корхонанинг экспорт салоҳиятини шакллантириш тўқимачилик тармоғининг иқтисодийнинг бошқа тармоқларидаги корхоналарга нисбатан бир қатор хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар, биринчи навбатда, маҳсулотнинг маҳсус тури билан боғлиқ, қайсики бу корхоналар ташқи бозорга маҳсулот етказиб беради.

Замонавий шароитда ушбу иқтисодий атаманинг мазмуни бўйича мунозаралар давом этмоқда. «Корхонанинг экспорт салоҳияти» тушунчасининг асосий таърифларини кўриб чиқамиз. Ресурсга йўналтирилган ёндашувга кўра И.А.Русаковнинг фикрича «корхонанинг экспорт салоҳияти - корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, ўз маҳсулотларини хорижга сотиш, тўғридан-тўғри хорижий инвеститсияларни жалб қилиш ва халқаро кооператив саноат жараёнларида иштирок этишнинг умумий қобилиятидир» [2]. Бошқа бир Россиялик олим Г.И.Яковлев экспорт учун маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорда сотиш фаолияти билан боғлаган ҳолда «корхонанинг экспорт салоҳияти – бу корхонанинг экспорт учун рақобатбардош маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқариш, уларни ташқи бозорда илгари суриш, фойдали сотиш ва керакли

даражадаги хизматларни тақдим этишнинг умумий қобилияти» деген деб баҳолайди [3].

М.С. Сычев эса ўз тадқиқотларида ушбу иқтисодий атама моҳиятини очиб беришда вақт омилни ҳисобга олиб, қуйидагича фикр билдиради: «корхонанинг экспорт салоҳияти - қисқа муддатда ҳам, узоқ муддатда ҳам рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни ташқи бозорларда сотиш ва хизмат кўрсатиш учун мавжуд ресурслар ва имкониятлар» [4]. А.М.Губин эса ушбу масалани ўрганиш жараёнида салоҳиятни ташкил этиш омиллар мажмуасига ўз эътиборини қаратади: «корхонанинг экспорт салоҳияти - бу корхонанинг ташқи бозорда сотиш учун юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятини белгиловчи ишлаб чиқариш, технологик, илмий, меҳнат омиллари мажмуидир» [5]. Бу борада Х.С.Латфуллаев, Л.Ш.Убалдулаева, Н.Х.Латфуллаевалар қуйидагича фикр билдиришган; «корхонанинг экспорт салоҳияти - унинг ташқи бозорда сотиш учун юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятини белгиловчи ишлаб чиқариш, технологик, илмий, меҳнат омиллари мажмуи» [6]. Е.В.Волкова эса ўз тадқиқотларида ушбу иқтисодий атама моҳиятини очиб беришга кенгроқ ёндашувни амалга ошириш таклифини беради: «корхонанинг экспорт салоҳияти - иқтисодий салоҳиятнинг жадал ўзгарувчан таркибий қисми бўлиб, унинг ташкилий-техник тузилмаси корхонанинг миссияси ва мақсадларига бўйсунуш, атроф-муҳит омиллари ва унинг ички ҳолати таъсирини ҳисобга олган ҳолда узоқ ва яқин хориж бозорларида маълум даражадаги рентабеллик билан барқарор сотиш ҳажмини таъминлайди» [7].

Маҳаллий олимлардан М.Р.Болтабоев [8], Ё.Кариева [9], З.Адылова [10], Исаев Р.А. [11] Н.М.Муминова [12] асарлари тўқимачилик корхонасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва стратегияларини ишлаб чиқиш муаммоларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқот методологияси. Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, таснифлашкаби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мутахассисларнинг маҳсулотларни ташқи бозорда сотиш масалаларига катта эътибор қаратишига қарамай, таъкидлаш жоизки, экспорт салоҳияти бўйича ягона нуқтаи назар ҳали ишлаб чиқилмаган. Уни шакллантириш ва ундан унумли фойдаланишга доир мамлакатимиз ва хорижий олимлар ва амалиётчиларнинг ишларини ўрганиш ва умумлаштириш тегишли илмий назарияларни аниқлаш имконини берди.

Халқаро савдо ва ташқи иқтисодий фаолият масалалари иқтисодий фанлар тизимида

қадимгиларидан бири ҳисобланади. Қадимда шарқ ва ғарб давлатлари ўртасидаги савдо-сотиқни амалга оширишда Буюк ипак йўли муҳим ўрин тутган.

Халқаро савдо ва экспорт салоҳиятини шакллантиришга оид асосий илмий назариялар схематик тарзда 1-жадвалда келтирилган.

Ташки иқтисодий фаолият масалалари XV-XVIII асрларда меркантилистлар томонидан қараб чиқилган бўлиб, улар мулоҳазаларига кўра, ҳар бир мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун кўпроқ маҳсулот экспорт қилиниши ва камроқ маҳсулот импорт қилини-

ши лозимдир. Экспорт ҳамда импорт ўртасидаги тафовут улар томонидан миллий бойликнинг соф ортган қисми деб ҳисобланган.

Ушбу масалалар XVIII ва XIX асрнинг буюк иқтисодчилари эътиборини ҳам тортган. Хусусан, ушбу масалалар билан XIX асрнинг Адам Смит (Adam Smit), Давид Рикардо (David Ricardo) ва Джон Стюарт Милл (John Stuart Mill) каби етакчи иқтисодчилари шуғулланишган ва уларнинг бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари аҳамияти бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотганича йўқ.

ХАЛҚАРО САВДО ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАРИ



ПРОТЕКЦИОНИЗМ НАЗАРИЯСИ - Иқтисодий ўсиш ва ташқи савдонинг фаоллашиши протекционистик сиёсатни амалга ошириш туфайли мумкин бўлади.

КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯЛАР - Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланиши мутлақ ва нисбий рақобат устунликларига асосланади.

ЭРКИН САВДО НАЗАРИЯЛАРИ - Асосан ортиқча ишлаб чиқариш омиллари экспорт қилинади. Товар ва хизматларга бўлган талаб уларнинг этказиб берувчиларини рағбатлантиради. Экспорт мамлакатнинг географик жойлашувига боғлиқ. Эркин савдо ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатчанлиги билан тавсифланади.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ХАЛҚАРО НАЗАРИЯЛАРИ - Неолиберализм - давлат аралашувисиз эркин рақобат тамойили асосида ягона иқтисодий маконни шакллантириш. Корпоративизм трансмиллий корпоратсияларнинг мавжудлиги билан тавсифланади, улар савдони ривожлантириш балансига сезиларли таъсир кўрсатади. Неокейнсчилик миллий иқтисодиёт учун чекловлар ва эркинлик мувозанати тамойилларига амал қилади. Таркиланиш бозорнинг эркин ишлашини инкор этади.

КЎП ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИ - Мамлакатлар ўртасидаги савдо битимлари савдо урушларининг олдини олишнинг бир усули сифатида қаралади. Интеграция замирида, қатор олимларнинг фикрича, сиёсий босим ётади. Минтақавийлик интегратсиянинг устувор шакли ҳисобланади, чунки савдо тўсиқлари минтақавий савдо келишувлари орқали олиб ташланади.

ХАЛҚАРО САВДОНИНГ ЭНГ ЯНГИ НАЗАРИЯЛАРИ - экспорт энг муваффақиятли компаниялар томонидан амалга оширилади. Хорижда корхоналар ташкил этишнинг асосий сабаблари халқаро харажатларни камайтириш имконияти ва савдо шерикларини тезкор излашдир.

1-расм. Халқаро савдо ва экспорт салоҳиятини шакллантиришга оид асосий илмий назариялар

Манба: Эмперик тадқиқотлар натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

А.Смитнинг мутлақ устунлик назарияси эркин савдо тамойилига асосланади - муайян мамлакатнинг (табiiй хусусиятлари ёки ишлаб чиқариш салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда) ҳар қандай маҳсулотни бошқаларга қараганда муваффақиятли ишлаб чиқариш қобилияти. Иш-

лаб чиқариш самарадорлиги табиий (иқлим шароитлари, маълум табиий ресурсларга эгалик қилиш ва бошқалар) ва одатда ишлаб чиқариш технологиялари туфайли эришилган омилларга бўлинади [13];

Д.Рикардонинг қиёсий устунлик тамойилига асосланган нисбий устунлик назарияси, унга кўра мамлакатлар меҳнат бирлигига нисбатан нисбатан кам харажат эвазига ишлаб чиқарилган товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашиши керак. Ушбу олим ғояларини амалга оширишнинг амалий натижаси халқаро меҳнат тақсимооти бўлиб, бу энг ривожланган мамлакатларнинг ролини кучайтиришга ва қолганларини хомашё, ёқилғи ва ярим тайёр маҳсулотлар етказиб берувчилар ёки паст қўшилган қийматга эга паст технологияли товарлар ишлаб чиқарувчилари позицияларига сиқиб чиқарилишига олиб келди [14].

Бу назариялар чекланган, чунки улар: транспорт харажатларини ҳисобга олманг;

ташқи савдонинг мамлакат ичида даромад тақсимотига таъсирини эътиборсиз қолдириш;

инфляция, нархлар ва иш ҳақининг ўзгаришини ҳисобга олманг;

фақат битта ишлаб чиқариш омили (меҳнат) мавжудлигидан ва тўлиқ бандлик шартидан келиб чиқади.

Джон Стюарт Милл биринчи марта жаҳон бозорида нарх ўрнатишни тушунтиришда “талаб ва таклиф қонуни”ни таърифлаб берди. Ўзаро талаб назарияси базаси асосида Джон Милл томонидан оғзаки билдирилган фикр бўйича Англиялик иқтисодчи Альфред Маршалл ҳозирги вақтда ҳам асосий бўлган ва халқаро савдо моҳиятини очиб берувчи умумий мувозанат моделини яратди [15].

У томонидан яратилган истеъмолчининг ортиқчалиги ҳақидаги тушунча халқаро савдонинг тақсимоот самарасини таҳлил қилишда муваффақиятли қўлланилиб келмоқда.

XX асрнинг кўплаб буюк иқтисодчилари – Эли Хекшер, Бертил Олин, Джеймс Мид, Пол Самуэльсон, Василий Леонтьевлар томонидан ҳам халқаро савдо муаммолари атрофича ўрганилган.

Швециялик иқтисодчилар – неоклассик Эли Хекшер ва унинг шогирди Пертил Олиннинг тадқиқотлари XX аср 20 – йиллари ўртасида халқаро савдо назарияси соҳасида ҳақиқий портлаш бўлди. Улар томонидан Хекшер – Олин назарияси деб ном олган халқаро савдо назариясини яратдилар.

Ушбу назарияга биноан ташқи савдонинг таркиби ва жўғрофий йўналиши мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нисбий таъминланганлиги билан аниқланади. Ушбу назариянинг муҳим томони фақатгина бу билан эмас, балки унинг асосида мамлакатни ишлаб чиқариш омиллари билан таъминотини ўзгартириш орқали унинг ташқи савдо фаолиятини ўзгартиришга олиб келадиган иқтисодий сиё-

сатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга ҳам ёрдам беради.

Хекшер-Олин назариялари кузатиш ва интуицияга асосланган фикрлашга таянган бўлса, Самуэльсон томонидан математик исботлаш йўли танланди. У Хекшер-Олин назарияси асосий жиҳатларини қатъий исботлашга имкон берадиган қаттиқ жиҳатларни киритади [16].

Пол Самуэльсон ва Роккольд Джонс илмий ишларида мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлиги ва ташқи савдо ўртасидаги ўзаро алоқалар каби масалаларгина ўрганилмай, балки жамиятнинг ҳар хил ижтимоий гуруҳлари ўртасида тушум тақсимотига савдо муносабатлари ўрнатилиши таъсир доиралари кабилар ўрганилган [17]. Ушбу масалалар савдо сиёсатини амалга оширишда ўта муҳимлиги билан ажралиб туради.

Халқаро савдо назарияси ва таҳлили воситалари ривожланишига австриялик иқтисодчи Готтфрид Хобэрлер муносиб ҳиссасини қўшган. Жумладан, у унеча барча тадқиқотчилар томонидан ўзгармас деб ҳисобланган муқобил нархларнинг ўзгарувчан бўлишлигини халқаро савдо моделига киритиб, фақатгина меҳнат омили эмас, балки бир қанча ишлаб чиқариш омиллари асосида мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси концепциясини таклиф этди. Бу орқали халқаро савдо назарияси реал ҳолатга яқинлаштирилди [18].

Таниқли Америка иқтисодчиси Пол Круг-Манн ишларида ҳозирги вақтда халқаро савдонинг бир қанча тенденцияларини тушунтириш имкониятини бермайдиган масштабда иқтисод бўлган монополистик рақобат ва савдонинг бир қанча бошқа моделлари амал қилиш шароитида ташқи савдо масалалари тадқиқ қилинган. Унинг бир қанча тадқиқотларида савдо сиёсатининг оқибатлари таҳлил қилинади ва протекционизмга қарши эркин савдонинг устунлиги асослаб берилади [19].

Ягдиш Н. Бхогвоти маълум бир шароитларда экспортга йўналтирилганликнинг ошиши савдо шароитининг етарлича ёмонлашувига олиб келишлигини, натижада реал даромад пайсийи келиб чиқишлигини исбот қилди [20]. У ўзининг кўплаб тадқиқотларида протекционизмга “ҳа” ёки “йўқ” нинг асосий далиллари, савдо сиёсати ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги масалаларини ўрганган. Унинг бу каби тадқиқотлари эркин савдони кучайтириш бўйича бир қанча таклифлар ишлаб чиқиш билан яқунланади [21].

Харри Джонсоннинг экспортга йўналтирилганлик ва импорт ўрнини босишнинг ўсиши ўртасидаги фарқни ўрганишга бағишланган ишларида импорт тарифларини келтириб чиқаришга олиб келадиган бозор хатоликлари иқти-

содий ўсишнинг пасайишини келтириб чиқариши кўрсатиб берилган [22].

Америкалик олим Майкл Портер рақобат стратегияси концепциясини ишлаб чиқди [23]. Унинг таъкидлашича, “халқаро бозорда мамлакатлар эмас, балки фирмалар рақобат кураши олиб борадилар. Шунингдек, лозимки, ушбу жараёнда мамлакат ролини кўрсатишда фирма рақобатда устунликни яратади ва сақлаб қолади”. Корхона диққат марказида нафақат харидорлар эҳтиёжини қондириш, балки халқаро бозордаги рақобат кучлари ҳам туради.

М. Портер маҳаллий фирмалар рақобатида пайдо бўладиган мамлакат иқтисодийнинг тўртта ташкил этувчисини кўрсатиб ўтади:

1) ишлаб чиқариш омиллари параметрлари;

2) талаб шартлари;

3) турдош ва мадад берувчи тармоқлар мавжудлиги;

4) фирма стратегияси, таркиби курашиши.

Бунда мамлакат рақобатбардошлигининг тўртта детерминантининг барчасига ҳукумат ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Эркин савдо назарияси ривожига Ж. Тинберген ва Х. Линнеманлар муҳим ҳисса қўшдилар. Улардан биринчиси халқаро савдонинг гравитацион модели ишлаб чиқилган бўлиб, у мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги ўзаро алоқаларни, улар орасидаги масофаларни, уларнинг географик жойлашувининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, экспорт қилувчи давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва импорт қилувчи мамлакатлар бозорлари ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тавсифлайди [24]. Ж.Тинберген масофа, ўзи ҳисобга олган бошқа омиллардан фарқли равишда, мамлакатлар ўртасидаги савдо оқимида салбий таъсир кўрсатишини исботлади.

XXI асрда халқаро савдонинг энг сўнгги назарияларининг пайдо бўлиши олимлар ва амалиётчиларнинг маҳсулотларни экспорт қилишга ёки уларни ички бозорга олиб чиқишга ундайдиган тармоқлар ва компаниялар ўртасидаги фарқларни аниқлаш истаги билан боғлиқ. Илмий ҳамжамият олдида аниқ товарларни (хом ашё ёки тайёр маҳсулот) бозорларга (ички ёки халқаро) етказиб бериш, шунингдек, хорижда қўшма корхоналар ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш вазифаси турарди. Шу муносабат билан М.Мелиса компанияларни мамлакат ичида, ундан ташқарида, шунингдек, ҳар икки йўналишда сотишга йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, бўлиниш таклифини илгари

сурди. Бу олим фақат самарали ва самарали тузилмалар экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етказиб беришга қодир, бундай корхоналар ички бозорда фаолият юритаётган корхоналардан анча катта бўлиши керак, деб ҳисобларди.

Т.Холмс ва Ж.Стивенснинг фикрича, йирик корхоналар стандартлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, кичик корхоналар жаҳон бозорида ҳам талабга эга бўлган ноёб хусусиятларга эга бўлган товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган [25].

Савдо сиёсати назарияси ривожланишига австриялик иқтисодчи Макс Корден салмоқли ҳисса қўшган. Унинг тадқиқот ишларида протекционизм назарияси ва миллат турмуш даражаси ҳамда иқтисодий ўсишга савдо сиёсати таъсири кабилар моҳияти тўлалигича очиб берилган [26]. Ҳозирги замонавий иқтисодчилар тамонидан олиб бориладиган халқаро савдо сиёсати таҳлилининг назарий асосини унинг тадқиқотлари натижалари ташкил қилади.

Хулоса ва таклифлар. Тўқимачилик саноати корхоналарининг экспорт салоҳиятини шакллантириш жараёнининг назарий ва амалий жиҳатларига оид тадқиқотлар қуйидаги хулосалар чиқариш имконини берди.

1. Халқаро савдо масалаларига назарий ва услубий ёндашувларни ўрганиш ва умумлаштириш қуйидагиларга имкон берди:

бу борадаги мавжуд илмий назарияларни тизимлаштириш;

“экспорт салоҳияти” тушунчасининг замонавий талқинларини, шу жумладан тўқимачилик тармоғида қўлланиладиган қўшимча таърифларни (ресурс, ишлаб чиқариш, мақсадли ёки аралаш) асослаш;

тўқимачилик маҳсулотларини бозорга олиб чиқиш соҳасида «рақобатбардошлик» атамасининг концептуал асосларини очиб бериш.

2. Экспорт салоҳиятини ривожлантириш (давлатнинг иқтисодий салоҳиятининг бир қисми сифатида) маҳаллий ишлаб чиқариш динамикасига ва мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсатади. Шунингдек, ҳисобга олиб, тўқимачилик тармоғи иқтисодий салоҳиятининг асосий таркибий қисмлари (табiiй ресурс, ишлаб чиқариш, меҳнат, илмий-техника, экспорт) асосланди. Уларнинг замонавий иқтисодий шароитда самарали қўлланилиши рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга етказиб бериш учун мавжуд ва сотиб олинган ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони.* // www.lex.uz.

2. *Русаков И. А. Управление развитием экспортного потенциала предприятий машиностроительного комплекса: автореф. дис. ... канд. экон. наук. - Саратов, 2012. - 28 с.*

3. Яковлев Г.И. *Формирование рыночной стратегии предприятия: рыночный аспект*. - Саратов: Изд-во СГУ, 2010. - 435 с.
4. Сычев М. С. *Развитие методического обеспечения анализа и оценки экспортного потенциала предприятия: дис. ... канд. экон. наук*. - Йошкар-Ола, 2012. - 156 с.
5. Губин А. М. *Совершенствование внешнеторговой деятельности предприятий машиностроения в условиях либерализации ВЭД: дис. ... канд. экон. наук*. - М., 2006. - 203 с.
6. Лутфуллаев Х.С., Убалдулаев Л.Ш., Латфуллаева Н.Х. *Проблемы повышения экспортного потенциала авиастроительного предприятия* // http://www.nbuv.gov.ua/e-journals/PSPE/2007-4/Lutfulaev_407.htm.
7. Волкодавова Е.В. *Теоретические и методологические основы формирования и реализации экспортного потенциала промышленных предприятий: дис. ... д-ра экон. наук*. Самара, 2007. - 347 с.
8. Болтабоев М.Р. *Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография*. - Т.: ФАН, 2004. - 223 б.
9. Кариева Г. *Международный маркетинг компании в развитии экспорта (на примере текстильной промышленности Республики Узбекистан): автореф. дис. на соиск. учёной степени кан. экон. наук*, Т.: 2008. - 24 с.
10. Адылова З. *Халқаро бозорларга экспорт махсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегиялари: иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс.* Т.: 2008. - 156 б.
11. Абдурахмонович И.Р. *Интегральная оценка потенциала предприятий текстильной промышленности // Азиатский журнал технологий и управленческих исследований (AJTMR) ISSN. - 2020. - Т. 2249. - №. 0892.*
12. Муминова Н.М. *Тўқимачилик махсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш: иқт. фан. фал. док. (PhD) илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф.* - Т.: ТДИУ, 2017. - 26 б.
13. Смит А. *Исследования о природе и причинах богатства народов / А. Смит; пер. с англ.* - Петрозаводск: Петроком, 2013. - 320 с.
14. Рикардо Д. *Начало политической экономии и налогового обложения: избранное / Д. Рикардо; пер. с англ.* - М.: Эксмо, 2017. - 953 с.
15. Mill, John Stuart. *On Liberty and other Essays. Edited with an Introduction and Notes by John Gray.* - Oxford University Press, 2012. 618 hh.
16. Samuelson Paul. *International Trade and the Equalization of Factor Prices.* - *Economic Journal*, #58, 2014, pp. 163-184.
17. Jones, Ronald W. and Henryk Kirczkowski. *The Role of Services in Production and International Trade: A Theoretical Framework.* In^ Ronald W. Jones and Anne O. Krueger, eds., *The Political Economy of International Trade: Essays in Honor of Robert E. Baldwin.* - Cambridge, MA: Blackwill, 2010. pp. 31-48.
18. Gottfried Haberlar, Alfred W. Stonier; Frederic Behnam. *The theory of international trade with its applications to commercial policy.* - London, W. Dodge and Company, limitad, 2016.
19. Krugman Paul. *The Myth of Asia's Miracle.* - *Foreign Affairs*, 2014, Vol. 73, pp. 62-78.
20. Bhagwati, Jagdish N. and Vivek H. Dehejia. *Freer Trade and Wages of the Unskilled.* - *Is Marx Striking Again? In: Jagdish N. Bhagwati and Marvin Kosters, eds Trade and Wages: Leveling Wages Down?* - Washington D.C.: American Enterprise Institute, 2014. pp. 36-75.
21. Bhagwati, Jagdish. *Protectionism.* - Cambridge, MA: MIT Press, 2008.
22. Johnson, Harry G. *Economic Expansion and International Trade.* - *Manchester school of Social and Economic Studies*. 23, 2015. pp. 95-112.
23. Портер М. *Конкуренция.* - М.: Вильямс, 2015. - 496 с.
24. Меркантилизм [Электронный ресурс] // Библиотека Гумер. - 2019. - Режим доступа: https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Econom/history_economy/11.php. Дата доступа: 20.01.2022.
25. Портер М. Э. *Конкуренция / М.Э. Портер.* - М.: Вильямс, 2015. - 602 с.
26. Corden, W. Max. *The Theory of Protection.* - Oxford: clarendon Press, 2011.